ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

«ОБОД ТУРМУШНИ ТАЪМИНЛАШДА ИҚТИСОДИЁТНИ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ»

мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

(II-қисм)

(2013 йил 20 феврал)

Самарқанд – 2013.









Однако, из сказанного не следует, что эти уравнения применимы для очень узкого класса задач или вообще не применимы, ибо функции f, представимые в виде (10), представляет собой достаточно обширный класс и следовательно, усеченные уравнения имеют достаточно широкую область применимости.

Ҳусенов С. У. – СамИСИ стажёр-тадқиқотчи изланувчиси

ИНСОН КАПИТАЛИ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ МОДЕЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мустақиллик йилларида таълим-тарбия соҳасидаги эски тузумдан мерос бўлиб қолган нохуш ҳолатларни бартараф этишга, уни тубдан ислоҳ этишда, халқаро талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга қатъият билан киришилди.

Дарҳақиқат, бу олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ мамлакатда таълим тизимининг ривожланишига ва бу орқали иқтисодиётни янги сифат босқичи, яъни билимларга асосланган иқтисодиётни шаклланишига олиб келмоқда. Иқтисодиётнинг бундай янги сифат босқичи мамлакатдаги меҳнат ресурсларининг ҳам янги сифат кўринишига ўтишига зарурият сезмоқда. Энди бу босқичда ишчи кучи меҳнат ресурси эмас, балки "инсон капитали" деб эътироф этилмоқда.

"Инсон капитали" атамасини илк марта Теодор Шульц 1960 йилда "Journal of Political Economy"да "Capital Formation by Education" номли илмий мақоласида илмий муомалага киритган эди. Т.Шульцнинг 1963 йилда "инсон

капитали" назариясига оид биринчи дарслиги нашрдан чиқарилди. Т.Шульцнинг таъкидлашича: "Камбағал одамларнинг фаровонлигини ошириш ер, техника ёки уларни жисмоний жиҳатдан ишлатишга боғлиқ бўлмасдан, кўпроқ билимларга боғлиқ"[18]. Унинг издоши Г.Беккер бу назариянинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган бўлиб, унинг таъкидлашича: "таълим олиш, ишлаб чиқариш тажрибасини тўплаш, соғлиқни сақлаш, ахборот излаш инсон капиталига инвестицияни ташкил этади". Бундан ташқари, инсон капитали деганда, инсонда жамланган қобилият, билим, малака ва мақсадлар захираси тушунилибгина қолмай, унинг шаклланиши жисмоний ва молиявий сармояни жамлаш сингари келгусида қўшимча даромад олиш мақсадида жорий истеъмолдан маблағни ажратиб олишни талаб этади. Инсон инвестицияларининг энг муҳим турларига таълим, ишлаб чиқаришдаги тайёргарлик, миграция, фарзанд кўриш ва уларни тарбиялаш ҳам киради [19].

Ҳақиқатдан ҳам иқтисодиётнинг олдинги тараққиёти асосан моддий капитални кўпайтириш ва такомиллаштириш эвазига амалга оширилган бўлса, эндиликда моддий капитал билан бирга инсон капиталига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Чунки, инсон капитали моддий капитални такомиллаштириш баробарида ўзини ҳам такомиллаштириб бораверади.

Инсон капиталининг такомиллашуви албатта таълим ва таълим хизматлари орқали амалга оширилади. Таълим – жамиятдаги инсон капиталини шакллантирибгина қолмай, у шахснинг ўз истеъдодини тўлиқ намоён этиш, табиат инъом этган ақлий қобилиятини ривожлантириш имкониятидир. Айни пайтда инсон ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда ўзини намоён этиш имконини берадиган умумий ва касбий билимни эгаллайди ва шу билими орқали нафақат шахснинг балки жамиятнинг ҳам манфаатлари учун улкан ҳисса қўшиб, инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришга хизмат ҳам қилади.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларининг концептуал асослари "Таълим тўғрисида"ги қонунда ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз аксини топган. Ислом Каримов томонидан олға сурилган қимматли фикрлар асосида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий модели айнан инсон капитали сифатини яхшилаш масаласини ечишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. (1-расм).

Мазкур расмда келтирилган "Кадрлар тайёрлаш миллий модели"ни шархлашга қуйидагича ёндашиш мумкин:

Биринчидан, ҳар қандай давлатнинг миллий сиёсатида, аввало илм-фан, маънавият, иқтисодни ривожлантиришга қаратилган саъйи-ҳаракатлар асосий ўринни эгаллайди. Чунки иқтисодиётнинг ривожланиши қолган соҳаларга, қолаверса, жамият тараққиётига туртки беради. Демак, махсус билимлар, меҳнат кўникмалари ёки танланган соҳа фаолияти бўйича тажрибага эга бўлган малакали ходимлар, яъни инсон капитали зарур. Миллий дастур эса ана

[18] Schultz T.W. The Economik Value of Education. N.Y. Columbia Univesity Press, 1963 Pp. XII, 89
[19] Капелюшников Р.И. Теория человеческого капитала. http://ww/Libertarium/ 10624/ lib_article_t

шундай малакали кадрларни жамиятга тақдим этишни бош мақсад қилиб олган.



1-расм. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг инсон капиталини шакллантиришдаги ўрни

Иккинчидан, айнан етишиб чиққан кадрларнинг савияси (инсон капитали сифати), сиёсий етуклиги, ҳуқуқий жиҳатдан маданиятлилиги жамиятдаги ҳар қандай муаммони ҳал этишда муҳим ахамият касб этади. Бундан ташқари инсон капитали сифати – бу бевосита таълим сифати ва уни инсон фаолияти натижаларига айлантириш кобилиятини ҳам назарда тутади.

Учинчидан, бу миллий модел нафақат мутахасисларни тайёрлаш воситаси, балки жамиятнинг интеллектуал, технологик ва маданий даражасини ошириш, инновациялар ва тараққиётга бўлган интилишни қўллаб-қувватлаш билан бирга, хусусий секторнинг таълим соҳасидаги ташаббусларини режалаштириш, жамиятда замонавий турмуш тарзини шакллантиришни онгига сингдириш ва давлат сиёсатига жорий этишга кўмак беради.

Шу билан бирга, таълимни ривожлантириш орқали инсон капитали сифатини яхшилашдан мақсад – қадр-қимматни асраш каби умумбашарий қадриятларни ёқлайди, унинг амалий ҳаётга татбиғи эса инсон-таълим муасасаси-давлат сиёсатининг уйғунлашувида ўз аксини топади. Бошқача айтганда, инсоннинг атроф оламга бўлган муносабати таълим жараёнида кўзга ташланади, ўзи танлаган соҳасига доир замонавий билимларни олишга бўлган интилиши таълим муасасаларида намоён бўлади. Миллий модел компонентларининг (инсон, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш) узлуксиз равишда ишлаши мамлакатда инсон капиталини ҳам миқдор, ҳам сифат характеристикасининг ўзгаришига олиб келади. Шу билан бирга, мамлакатда инсон капиталини сифатини яхшиланиши жамиятда унинг турмуш даражаси ошиши билан боғликдир.

"Кадрлар тайёрлаш миллий модели"нинг янада самарали ишлаши ва мамлакатимизда инсон капитали сифатини оширишга каратилган жуда кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, 2010 йил 28 сентябрда Президент И.А.Каримов фармойиши билан ташкил этилган, ишчи гурух томонидан ишлаб чиқилган, 2011-2015 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган Дастур қабул қилинди. Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори Олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув, илмий-тадқиқот ва лаборатория жихозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни, яъни инсон капиталини тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини қамраб олганлиги билан муҳимдир. Ушбу дастур инсон капитали сифатининг янги босқичга ўтишига асос бўлади.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳақиқатдан ҳам мамлакатимизда "кадрлар тайёрлаш миллий модели"нинг ҳар бир компонентини самарали, узлуксиз ишлаши таъминланса, шу орқали инсон капитали ошиши ва сифати яхшиланиши мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида ахоли турмуш даражаси ошишини таъминлайди.

Mahmudova M. – SamDU magistranti

YOSHLAR BANDLIGI IQTISODIYOT RIVOJINING MUHIM SHARTI

Xalqimiz istiqlolga erishgach, bozor iqtisodiyotiga asoslangan erkin demokratik jamiyat qurish, yurtimizda yashayotgan barcha fuqarolar uchun farovon hayot sharoitini yaratish ustuvor maqsadga aylanishida iqtisodiy o'sish, taraqqiyot jamiyatimizning tanasi va ruhi hisoblanadi. Shuning uchun ham davlatimiz oldida turgan asosiy vazifalardan biri sifatida yuksak bilimli, oqil, ma'rifatli, ulug' qadriyatlari bilan faxrlanadigan va kelajakka yuksak ishonch sohibi bo'lgan iqtidorli yoshlarni tarbiyalashga e'tibor qaratildi.

Iqtisodiy islohotlar barobarida jamiyatning uyg'onishi yo'lida ulkan chora-tadbirlar ko'rilgani nechog'lik to'g'ri qaror ekanini bugungi murakkab davrning o'zi isbotlab turibdi. Darhaqiqat, hayotimizning turli jabhalarida, xalq xo'jaligining barcha sohalarida tub islohotlarni amalga oshirib, yangilanish sari borar ekanmiz, ushbu chora-tadbirlarning xalq farovonligiga, turmush tarzimizning ijobiy tomonga o'zgarishiga xizmat qilishi ko'p jihatdan har tomonlama yetuk kadrlarga bog'liq ekanini unutmasligimiz lozim.

шундай малакали кадрларни жамиятга тақдим этишни бош мақсад қилиб олган.



1-расм. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг инсон капиталини шакллантиришдаги ўрни

Иккинчидан, айнан етишиб чиққан кадрларнинг савияси (инсон капитали сифати), сиёсий етуклиги, ҳуқуқий жиҳатдан маданиятлилиги жамиятдаги ҳар қандай муаммони хал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари инсон капитали сифати – бу бевосита таълим сифати ва уни инсон фаолияти натижаларига айлантириш қобилиятини ҳам назарда тутади.

Учинчидан, бу миллий модел нафақат мутахасисларни тайёрлаш воситаси, балки жамиятнинг интеллектуал, технологик ва маданий даражасини ошириш, инновациялар ва тараққиётга бўлган интилишни қўллаб-қувватлаш билан бирга, хусусий секторнинг таълим соҳасидаги ташаббусларини режалаштириш, жамиятда замонавий турмуш тарзини шакллантиришни онгига сингдириш ва давлат сиёсатига жорий этишга кўмак беради.

Шу билан бирга, таълимни ривожлантириш орқали инсон капитали сифатини яхшилашдан мақсад – кадр-қимматни асраш каби умумбашарий қадриятларни ёклайди, унинг амалий хаётга татбиғи эса инсон-таълим муасасаси-давлат сиёсатининг уйғунлашувида ўз аксини топади. Бошқача айтганда, инсоннинг атроф оламга бўлган муносабати таълим жараёнида кўзга ташланади, ўзи танлаган соҳасига доир замонавий билимларни олишга бўлган интилиши таълим муасасасларида намоён бўлади. Миллий модел компонентларининг (инсон, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш) узлуксиз равишда ишлаши мамлакатда инсон капиталини ҳам миқдор, ҳам сифат характеристикасининг ўзгаришига олиб келади. Шу билан бирга, мамлакатда инсон капиталини сифатини яхшиланиши жамиятда унинг турмуш даражаси ошиши билан боғлиқдир.

"Кадрлар тайёрлаш миллий модели"нинг янада самарали ишлаши ва мамлакатимизда инсон капитали сифатини оширишга каратилган жуда кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, 2010 йил 28 сентябрда Президент И.А.Каримов фармойиши билан ташкил этилган, ишчи гурух томонидан ишлаб чикилган, 2011-2015 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган Дастур қабул қилинди. Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори Олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув, илмий-тадқиқот ва лаборатория жихозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни, яъни инсон капиталини тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини қамраб олганлиги билан мухимдир. Ушбу дастур инсон капитали сифатининг янги босқичга ўтишига асос бўлади.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, хақиқатдан ҳам мамлакатимизда "кадрлар тайёрлаш миллий модели"нинг ҳар бир компонентини самарали, узлуксиз ишлаши таъминланса, шу орқали инсон капитали ошиши ва сифати яхшиланиши мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида ахоли турмуш даражаси ошишини таъминлайди.

Mahmudova M. – SamDU magistranti

YOSHLAR BANDLIGI IQTISODIYOT RIVOJINING MUHIM SHARTI

Xalqimiz istiqlolga erishgach, bozor iqtisodiyotiga asoslangan erkin demokratik jamiyat qurish, yurtimizda yashayotgan barcha fuqarolar uchun farovon hayot sharoitini yaratish ustuvor maqsadga aylanishida iqtisodiy o'sish, taraqqiyot jamiyatimizning tanasi va ruhi hisoblanadi. Shuning uchun ham davlatimiz oldida turgan asosiy vazifalardan biri sifatida yuksak bilimli, oqil, ma'rifatli, ulug' qadriyatlari bilan faxrlanadigan va kelajakka yuksak ishonch sohibi bo'lgan iqtidorli yoshlarni tarbiyalashga e'tibor qaratildi.

Iqtisodiy islohotlar barobarida jamiyatning uyg'onishi yo'lida ulkan chora-tadbirlar ko'rilgani nechog'lik to'g'ri qaror ekanini bugungi murakkab davrning o'zi isbotlab turibdi. Darhaqiqat, hayotimizning turli jabhalarida, xalq xo'jaligining barcha sohalarida tub islohotlarni amalga oshirib, yangilanish sari borar ekanmiz, ushbu chora-tadbirlarning xalq farovonligiga, turmush tarzimizning ijobiy tomonga o'zgarishiga xizmat qilishi ko'p jihatdan har tomonlama yetuk kadrlarga bog'liq ekanini unutmasligimiz lozim.